

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.San.51.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХУДОЕВ ҒАНИ МУҲАММАДОВИЧ

БУХОРО МУМТОЗ МУСИҚА АНЪАНАЛАРИ

17.00.08 – санъат назарияси ва тарихи

**санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

УЎК: 78.03(09): 398.8(575.146)(043.3)

Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по искусствоведению

Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on art history

Худоев Гани Муҳаммадович

Бухоро мумтоз мусиқа анъаналари.....5

Худоев Гани Муҳаммадович

Классические музыкальные традиции Бухары.....25

Khudoev Gani Muhammadovich

Classical music traditions of Bukhara.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.San.51.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХУДОЕВ ҒАНИ МУҲАММАДОВИЧ

БУХОРО МУМТОЗ МУСИҚА АНЪАНАЛАРИ

17.00.08 – санъат назарияси ва тарихи

**санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/San5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎЗР ФА Санъатшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fineartins.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иброҳимов Оқилхон Акбарович
санъатшунослик фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ҳамидов Ҳожиакбар
тарих фанлари доктори, профессор

Турсунова Гулшаной Артикжановна
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.San.51.01. рақамли Илмий кенгашнинг 201__ йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.:(99871) 239-46-67; факс:(99871) 239-17-71; e-mail: siti1928@mail.ru)

Диссертация билан ЎЗР ФА Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2. Тел.:(99871) 239-17-71.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги реестр баённомаси).

А.А. Ҳакимов

Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги, Ўзбекистон Бадиий академияси
академиги

Н.Ғ. Каримова

Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш
котиби, санъатшунослик фанлари номзоди,
катта илмий ходим

И.А. Мухторов

Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги давр жаҳон санъатшунослигида миллий бадиий анъаналарнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш, шу жумладан, халқ ижодиёти асосида шаклланган мумтоз мусиқий анъаналарнинг генезиси ва моҳиятини ёритишга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, кўп асрлик ҳаётбахш бу мусиқий қадриятлар ҳар бир халқнинг миллий менталитетини теран ифодалаши баробарида янги бадиий талқинлар учун ҳам муҳим ижодий манбадир.

Буюк олим ва мусиқачиларнинг кўплаб авлоди етишиб чиққан Бухоро заминида “Шашмақом”нинг мумтоз асослари шаклланди, “Бухорча” ва “Мавриги” туркумли айтим-рақсларининг ўзгача анъаналари қарор топди. Миллий ўзлигимизни англашда аҳамияти беқиёс бу санъат намуналарининг айрим тарихий ва назарий масалалари ҳамда умумий туркум тузилишлари хусусида ўзбек ва жаҳон санъатшунослигида анчагина эътиборли тадқиқотлар бажарилган. Лекин бу тадқиқотларнинг натижалари шу кунга қадар илмий умумлаштирилмаган, “Шашмақом”, “Бухорча” ва “Мавриги” анъаналари Бухоро маданий ҳаётининг тарихий динамикаси кесимида тизимли равишда ёритилмаган. Шунингдек, *бахри тавил, майда газал, забоний, жавоний, чиллики, чорчиллики* каби локал туркумлар ҳануз санъатшунослик эътиборидан четда қолиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Ватанимизнинг ҳар бир воҳаси, маҳаллий худуди ва шаҳарларида қарор топган асрий миллий мусиқий қадриятларга тобора катта эътибор берилаётгани туфайли унутилаётган бадиий анъаналар қад ростлай бошлади, аждодлардан бебаҳо мерос келаётган мусиқа намуналари тарғиб ва тадқиқ қилинмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар ўларок Бухоро мумтоз мусиқа анъаналарини замонавий илмий ёндошувлар асосида ёритиш учун кенг имкониятлар юзага келди. Чунки, “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” ишлари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси”¹ да устувор йўналишлар қаторида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 ноябрдаги ПҚ-2435-сонли “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сонли “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли “2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ва ушбу фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг нуфузли илмий марказлари ва таниқли санъатшунослари ўзбек миллий мусиқасининг бир қатор жанрларини тадқиқ қилганлар. 2003 йили ЮНЕСКО Халқаро ташкилоти “Шашмақом” туркумини жаҳон номоддий маданий меросининг дурдонаси сифатида эътироф қилди ҳамда 2008 йили номоддий маданий мерос бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг 3-сессиясида бу мумтоз санъатни инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритди. Ўтган вақт мобайнида мақом мумтоз анъаналарини сақлаш ва жаҳон миқёсида тарғиб қилиш борасида эътиборли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ЮНЕСКО, ИСТМ халқаро нуфузли ташкилотлари ва Япония Траст жамғармасининг қўмаги билан ўзбек мумтоз мусиқасига доир бир қанча илмий монография¹ ва “Шашмақом”² нотаси чоп этилиб, халқаро миқёсда илмий-назарий конференциялар ўтказилди.³ Шунингдек, Ю.Эльснер⁴, А.Юнг⁵, Т.Левин⁶, С.Векслер⁷, Р.Султонова⁸, Н.Нуржонов⁹, С.Тахалов¹⁰, А.Низомов¹¹, А.Абдурашидов¹² ва И.Мавашевларнинг¹³ тадқиқотларида “Шашмақом”нинг лад ва бошқа назарий масалалари тавсиф

¹ Ражабов И. Мақомлар (ЮНЕСКО ва Япония Траст Жамғармасининг ҳамкорликдаги лойиҳаси, нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О.Иброҳимов) – Т.: “San’at”, 2006; Ибрагимов О. Фергано-Ташкентские макомы. (Совместный проект ЮНЕСКО и Японского Трастового Фонда по сохранению классической музыки Центральной Азии). – Т.: Media Land, 2006.

² Ражабий Ю. Ўзбек мақомлари. Шашмақом (ЮНЕСКО ва Япония Траст Жамғармасининг ҳамкорликдаги лойиҳаси. Лойиҳа координаторлари – Ҳ.Ражабий ва Р.Абдуллаев). – Т., 2007. – 632 б.

³ Шашмақом анъаналари ва замонавийлик. Халқаро илмий конференция материаллари (Самарқанд, 27 – 29 август 2005 йил). – Т.: Мусиқа, 2005. – 170 б.; Шашмақом сабоқлари (мақола ва маърузаларнинг 2-тўплами). – Т., 2005; Шашмақом сабоқлари (мақола ва маърузаларнинг 3-тўплами). – Т., 2007. – 132 б.

⁴ Elsner J. ets. Maqam. (*Historical Traces and Present Practice in Sothern Evropen Music Traditions*). Cambridge Scholars Publisher, 2014.

⁵ Jung A. (Hg.). Der Shashmaqam aus Bukhara. Überliefert von den alten Meistern notiert von Ari Babakhanov. Verlag Hans Shiler, Berlin. i. Auflage 2010.

⁶ Levin T. The Hundret Thousand Fools of God: Musical Travels in Central Asia. Indiana University Press, Bloomington, Indiana (USA), 1999.

⁷ Векслер С. Узбекские макомы. В сб.: Очерки истории музыкальной культуры Узбекистана. Выпуск 1. – Т.: Ўқитувчи. 1968.

⁸ Sultanova R. Uzbekistan and Afghanistan: the Power of Cosmology in musical rites in 2008 YEARBOOK for Traditional Music. Volume 40. Vienna, 2008;

⁹ Нурджанов Н. Шашмақом и таджикская хореография Бухары в конце XIX – начале XX век. // В сборник материалы международного музыковедческого симпозиума. – Т.: ГИЛИ. 1981, 62-64 с.

¹⁰ Тахалов С. Традиционная музыка бухарских евреев // Сборник материалов конференции, посвященной Шашмақому (ноябрь, 2016 год) – Израиль, 2016. 8-21 с.;

¹¹ Низомов А. История и теория Шашмақома. Душанбе: Адиб. 2003.

¹² Абдурашидов А. О значении термина “Шашмақом” // Сборник материалов конференции, посвященной Шашмақому (ноябрь, 2016 год) – Израиль, 2016. 98-99 с.;

¹³ Мавашев И. Великий мастер Шашмақома // Сборник материалов конференции, посвященной Шашмақому (XI.2016 г.) – Израиль, 2016.

этилади. Айни вақтда *созанда* ва *мавригихонлик* санъатлари Бухоро мумтоз анъаналари кесимида деярли ёритилмаган.¹

Бу ҳол ўзбек мусиқашунослигида ҳам кузатилади. Хусусан, Ф.Кароматов (Ф.Кароматли) Бухоро мусиқасига хос серкўлам анъаналарни Бухоро-Самарқанд маҳаллий мусиқа услуби доирасида мухтасар тавсиф этган.² О.Сафаров, О.Атоев, ва Ф.Тўраевлар ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари” китобида шу санъатларга тааллуқли нота ёзувлари билан бирга бу туркумлар хусусида қисқа маълумотлар келтирилган.³ О.Бековнинг “Бухоро области мусиқа анъаналари”⁴ тадқиқотида эса асосан Бухоро вилояти худудларидаги халқ ижодиётида шаклланган асрий анъаналар ҳақида сўз юритилади.

Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” номли ихчам рисоласида “Шашмақом” туркуми билан боғлиқ айрим тарихий, назарий ва ижрочилик масалалари тилга олинади.⁵ Бу каби масалалар йирик мақомшунос олим И.Ражабовнинг илмий тадқиқотларида кенгрок кўламда ёритилган. Хусусан, Бухоро мақомларининг Хоразм, Тошкент ва Фарғона мақом йўллари билан узвий боғланиши илмий далиллар билан исботлаб берилган.⁶ Шунингдек, “Шашмақом” анъаналари билан боғлиқ масалалар Ф.Кароматов, О.Иброҳимов, О.Матёқубов, Р.Юнусов ва А.Назаровларнинг илмий изланишларида ҳам тадқиқ қилинган.⁷ Аммо, мазкур илмий ишлар билан бир қаторда замонавий хорижий нашрларда Бухоро мумтоз мусиқа анъаналарининг моҳияти ва тарихий келиб чиқиш илдизлари ҳақида гоҳо бирёқлама, гоҳо эса ўта мунозарали фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.⁸

Қайд этилган ушбу ҳолат танланган диссертация мавзуини Бухоро маданий-тарихий ҳаёти динамикасида тадқиқ этишни тақозо этди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

¹ Нурджанов Н. Театральная и музыкальная жизнь столицы государства саманидов (XIX-XX вв.). – Душанбе: Матбуот., 2001.; Пинхасова Т. Санъат ва санъаткорони мусиқаи анъанави Бухори. – Тель-Авив: Шалом., 2000; Таджикова З. О музыкальном искусстве бухарских женщин-созанда // Сборник материалов II международного музыковедческого симпозиума. (Самарканд, октябрь, 1983.) – М.: Советский композитор. 1987, 74-82 с.

² Кароматов Ф. О локальных стилях узбекской народной музыки // Музыка народов Азии и Африки / Сост. и редакция В.С.Виноградова. – М.: Сов. композитор. 1964. 35-49 с.

³ Сафаров О.С. ва бошқалар. Бухорча ва Мавриги тароналари. – Т.: Фан нашриёти, 2005. – 277 б.

⁴ Беков О.А. Музыкальные традиции Бухарской области. (рукопись). – Т.: Биб-ка НИИ искусствознания. Инв.№ 780.

⁵ Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан нашриёти. 1993. – 56 б.

⁶ Ражабов И. Мақомлар. – Т.: Санъат нашриёти, 2006 – 403 б.; Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. – Т.: Ўздабийнашр., 1963. – 299 б.

⁷ Кароматов Ф., Эльснер Ю. Мақом и мақом. Сб.: Музыка народов Азии и Африки. Вып.4. – М.: Сов. композитор, 1984.; Ибрагимов О. Мақом ва мақом. – Т.: Мовароуннахр, 1996. – 96 б.; Фергано-Ташкентские мақомы. – Т.: Media Land, 2006. – 175 с.; Матёқубов О. Мақомот. – Т.: Мусиқа. 2004. – 399 б.; Бухоро Шашмақомига яна бир назар. – Т.: Янги аср авлоди. 2014. – 260 б.; Юнусов Р. Мақомы и мугамы. – Т.: Фан. 1992.; Назаров А.Ф. Книга песен Аль-Исфхани в аспекте межрегиональных музыкально-транскультуративных процессов. Дисс. канд. иск-я. – Т.: Биб-ка НИИ искусствознания, инв.№ 812. 1984.

⁸ Бу ҳақда қаранг: Х.Хаимов. Учение о мақоме в Торе (21-35 с.); Е.Рейхер-Темина. К вопросу о национально-этнической принадлежности Шашмақома (115-128 с.) // Сборник материалов конференции, посвященной Шашмақому (ноябрь, 2016 год) – Израиль, 2016.

Диссертация тадқиқоти Санъатшунослик институтининг илмий-тадқиқот режаси ҳамда Ф1-ФА-О-10304 ФА-Ф1-Г032 рақамли “Марказий Осиё санъатида тарихий давомийлик: бадиий мактаблар, услублар ва технологиялар (қадимги даврлардан бугунги кунгача) (2012-2016 йй.)” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоронинг кўп асрлик муסיқий-ижодий анъаналарини тавсиф қилиш ҳамда уларнинг ҳозирги давр ўзбек муסיқа маданиятида тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро мумтоз муסיқий анъаналарини тарихий жараёнда юзага келтирган омилларни аниқлаш;

“Шашмақом” туркуми сарой анъаналарини ёритиб бериш;

мақом санъатининг халқчил йўллари аниқлаш;

созанда санъатининг генезиси ҳамда “Бухорча” туркумларининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;

*мавриғихонлик*нинг иждодий ва ижрочилик анъаналарини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухорода шаклланган касбий муסיқаниннг кўп асрлик иждодий ва ижрочилик анъаналари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро мумтоз муסיқа намуналарини ўзида мужассам этган “Шашмақоми”, “Бухорча”, “Мавриғи” ва бошқа туркум намуналаридан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тизимлаштириш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий ҳамда муסיқашунослик усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Бухоро мумтоз муסיқа анъаналарининг тарихий шаклланиш жараёнида қадимги тасаввур ва маросимларнинг тутган ўрни ҳамда халқчил манбалари аниқланган;

“Шашмақом” санъатининг саройда удум бўлган ва халқ орасида ёйилган иждодий анъаналари ёритиб берилган;

аёлларнинг *созанда* санъати юзага келишида аҳамиятли бўлган омиллар ҳамда “Бухорча” туркумларининг ижрочилик анъаналари очиб берилган;

“Мавриғи” туркумларининг тузилиш тартиби ва ижро шаклларида ўзбек муסיқасига хос умумий ва алоҳида ажралиб турувчи хусусиятлар аниқланган;

ўзбек санъатшунослигида илк маротаба забоний, жавоний, чиллики ва баҳри тавил каби намуналар илмий тасниф қилинган;

Бухоро мумтоз муסיқа анъаналарининг замонавий ўзбек маданиятида тутган ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Бухоро мумтоз муסיқа анъаналарининг илмий тадқиқидан олинган хулосалар ўзбек муסיқасига доир муҳим маълумотлар беради;

ўзбек миллий муסיқасининг мумтоз анъаналарини тизимлаштиришда илмий асослардан бири бўлиб хизмат қилади;

олий таълим муассасалари, академик лицей, коллеж ва умумтаълим мактабларида миллий мусиқа намуналарини ўрганишда ёрдамчи адабиёт вазифасини ўтайди;

махсус ўқув тизими режаларида мавжуд “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Ўзбек анъанавий мусиқаси”, “Ўзбек мусиқаси тарихи”, “Мусиқий этнография” каби фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилади;

мақом, созанда ва мавриги ансамблларининг амалий фаолиятида қўллаш учун зарур бўлган услубий ишланмаларни яратиш имконини беради;

мазкур санъатларни оммавий ахборот воситаларида тарғиб ва ташвиқ қилишда манбаа вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган хулоса ва илмий натижаларнинг тарихий-қиёслаш, тавсифлаш, мусиқашунослик таҳлили каби усуллар билан асослангани, мумтоз мусиқанинг узлуксиз давом этаётган “жонли” анъаналари табиатидан келиб чиқиб ёндашилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги ўзбек санъатшунослиги, мусиқашунослиги ва маданиятшунослигида мавжуд маълумотларни янги ахборот билан кенгайтиради ва тўлдиради, халқнинг маданий ҳаёти асосида ўрганилган турли урф-одат, маросим ва уларда куйланган айтимларнинг шеърӣ матнлари фольклоршунослик, этнография ва матн тилшунослиги фанларининг ривожига ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган хулосалар ўзбек мумтоз мусиқаси жанрларини тарихий, ижодий ва ижрочилик кесимида ўрганиш учун қўшимча назарий маълумотлар беради. Санъатшунослик қаторида маданиятшуносик, фольклоршунослик, тилшунослик ва этнография фанларидан тайёрланадиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига ҳамда санъатга оид атамалар луғатини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро мумтоз мусиқа анъаналарининг тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалари асосида:

“Шашмақом”, “Мавриги”, “Бухорча” туркумлари билан бирга “хофиз”, “мавригихон”, “созанда” каби махсус номлар, шунингдек, мусиқага оид назарий хулосалар Ф1-ФА-О-10304 ФА-Ф1-Г032 рақамли “Марказий Осиё санъатида тарихий давомийлик: бадий мактаблар, услублар ва технологиялар (қадимги даврлардан бугунги кунгача) (2012-2016)” номли фундаментал лойиҳага тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 14 мартдаги 3/1255-657 сонли маълумотномаси). Илмий натижалар асосида Бухоро мусиқа анъаналарининг мазмуни ва унда қўлланиб келинаётган жанрлар моҳияти очиқ берилган;

тадқиқот давомида илмий асосланган “Шашмақом”, “Мавриги” ва “Бухорча” туркумларининг тузилиш тартиби ва ижро шаклларидаги ўзига хос хусусиятлар умумтаълим мактабларининг 7-синфлари учун 2017 йилда нашр этилган “Муסיқа” дарслиги мазмунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 24 мартдаги 03-02/2-2-557 сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг миллий муסיқий мерос, жумладан, “Шашмақом”, “Бухорча”, “Мавриги” ижрочилик анъаналарига оид назарий билимлари янада кенгайди;

тадқиқот натижаларидан академик Юнус Ражабийнинг ижодий фаолиятига бағишланган “Мақом мулкининг султони” номли ҳужжатли фильм сценарийсида фойдаланилган (“Ўзбеккино” миллий агентлиги “Ҳужжатли фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонасининг 2018 йил 13 мартдаги 01-21/37 сонли маълумотномаси). Натижада телетомошабинлар Юнус Ражабийнинг Бухоро шаҳрида олиб борган ижодий фаолияти хусусида муҳим маълумотга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шулардан 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бухоро муסיқа маданияти илмий объект сифатида”** деб номланган биринчи бобида шу мавзуга алоқадор муסיқашунослик тадқиқотлари билан бир қаторда Бухоройи шарифда раванк топган шаҳарсозлик, меъморлик, амалий-безак ҳамда тасвирий санъатлари хусусида бажарилган илмий ишларга ҳам бир қадар эътибор қаратилди.

Қадимдан Бухоро ва унинг ҳудуди атрофида тамаддун ўчоқлари қад ростлаган эди. Хусусан, Бухоро вилоятининг Жондор тумани ҳудудидаги кўҳна Варахша харобаларидан топилган деворий расм, ҳайкалтарошлик,

амалий-безак ва тасвирий санъат намуналари аждодларимизнинг юксак маданият соҳиби бўлганлигидан дарак беради. Турли санъат намуналарига оид бу ноёб топилмаларни излаб топишда Л.Ремпель, В.Шишкин, Г.Пугаченкова, Б.Булатов, С.Булатов, Э.Ртвеладзе каби археолог олимларнинг самарали меҳнатларини алоҳида қайд қилиш керак¹.

Милоддан аввалги I асрда бунёд этилиб, бугунги кунгача сақланган “Бухоро аркида ўз даврида турли шоҳона базмлар ва турли қабул маросимлари амалга оширилган”². Театршунос олим М.Қодировнинг кузатувларидан маълум бўлишича, “Бухоро хукмдорлари саройида қадимдан созанда ва хонандаларнинг бир қанча гуруҳлари иш кўрган. Исломдан олдинги даврда улар орасида машҳур раққосалар ҳам бўлган”³. Афсуски, манбалар танқислиги боис Бухоро мусиқа маданиятининг қадимги даврлардан бошланган ривожланиш жараёнларини изчил кузатиш имкони йўқ.

IX – X асрларга келиб қудратли Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган Бухорода фан ва маданият юксалди. Жумладан, Рудакий, Наршахий, Абу Ҳафс Суғдий (IX), Тоҳир Абуғаййибий (IX-X), Алибек Танбурий (IX-X), Абулаббос Бахтиёр (IX-X), Абу Наср Мутриб (X), кейинчалик эса (X аср охири XI бошларида) Абу Али ибн Сино каби буюк аллома, санъаткор ва мусиқашунослар етишиб чикди, ноёб меъморий обидалар қад кўтарди.

Назаримизда, айнан шу даврга келиб Бухорода мақом санъатининг мумтоз мусиқа анъаналари жадал шакллана бошлаган. Зеро, мутахассисларнинг эътирофича, мақомлар шаҳар маданияти ривожланган “инсоннинг мусиқа ҳақидаги тушунчалари, мусиқий-эстетик қарашлари баркамол бўлган кишиларнинг онги ва савияси юксалган бир даврда юзага келади”⁴.

Касбий мусиқа амалиёти ва илмининг кейинги асрлардаги ривожиди Камол Бухорий (XII), Ҳофиз Мирак Бухорий (XV), Аҳмад Ғижжакий, Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Боқий Рудий, Муҳаммад Муъни (XV-XVI), Муҳаммад Жамшид, Мир Девона Шажминий, Маҳмуд ибн Исҳоқ Сеторий, Мавлоно Мирхатиб (XVI), Мирак Мажруҳ Чангий, Мирак Чангий Бухорий, Мирзоҳусайн Танбурий, Мирзоалий Чангий, Дарвеш Али Чангий, Оҳуи Мусиқор, Мавлоно Муҳаммад Ҳусайн Бухорий (XVI-XVII) каби намояндаларнинг фаолияти катта аҳамият касб этди⁵. Уларнинг илмий-

¹ Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. История развития и теория построений. – Т., 1961. – 604 с.; Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары: Бухарские записи. – Т.: изд. лит. искусства. 1981. – 304 с.; К вопросу о сюжетах росписей дворца Бухархудатов в Варахше открытых 1947 г. – Т., 1954. – 52 с.; Шишкин В.А. Варахша. – М.: АН., 1963. – 249 с.; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Т.: 1958. – 291 с.; Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. – М.: Наука, 1978. – 380 с.; Булатов М.С. Мавзолей саманидов жемчужина архитектуры Средней Азии. – Т.: изд. Гафура Гуляма, 1976. – 127 с.; Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Т.: Меҳнат, 1991. – 382 б.; Ртвеладзе Э. Великий шелковый путь: энциклопедический справочник: древность раннее средневековье. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти. 1999. – 280 с.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. II жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти. 2001. 291-б.

³ Қодиров М. Байрам ва томошалар // Бухоро – Шарқ дурдонаси. – Т.: Шарқ, 1997. 131-б.

⁴ Ражабов И. Мақомлар. – Т.: Санъат. 2006. 61-б.

⁵ Бухоро – Шарқ дурдонаси. – Т.: Шарқ. 1998. 9 – 29-бб.

ижодий меҳнати асосан мақом санъати, аниқроғи, ўша давр касбий мусикасида бош ўрин эгаллаган Ўн икки мақом тизимига тегишлидир.

Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврида бошқа соҳалар қатори мусика маданиятида ҳам юксалиш рўй берди. Бухорода мусикачилар алоҳида бир даҳада истиқомат қилишган. “Улар одатга кўра, мусика билан, кўпинча сурнай ва чирманда чалиб, фарзанд туғилган ёки қандайдир бир қувончли оилавий воқеа содир бўлган хонадонларни излаб, шаҳар айланиб, аҳолига хизмат кўрсатишган. Айрим созандалар Аркда хизмат қилишган”¹.

Бухоро шаҳри пойтахт мақомини олган (XVI) даврдан бошлаб Ўн икки мақом тизимининг янги босқичдаги ривожланиш жараёни бошланадики, буни Мавлоно Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангийларнинг “Рисолаи мусиқий” асарлари ҳамда уларнинг илмий меросини ўрганишга бағишланган И.Ражабов, Д.Рашидова, А.Жумаев, тожикистонлик олим А.Ражабовларнинг илмий тадқиқотлари мазмунидан ҳам англаш мумкин².

Ҳ.Ҳамидов худди шу даврларда Бухорода йирик ижрочилик мактаблари шаклланишини эътирофлаб, Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али Чангийларни шу мактабларни асосчилари қаторида қайд этади³.

Ф.Тўраевнинг “Бухоро муғаннийлари” номли китобида эса Бухоро мусика маданиятининг IX асрдан то шу кунгача тарихи, ижодкор-бастакорлари, мусикашунос олим ва ижрочилари фаолияти мухтасар ёритилган⁴.

Қадимдан диёримизнинг кўркам ва маданий-маърифий масканларидан бири бўлган Бухорои шарифнинг бой халқ ижодиёти ўзининг ҳаётбахшлиги ва айни пайтда касбий мусика шаклланишида муҳим манба бўлганлиги билан ҳам бениҳоя аҳамиятлидир. Халқ оғзаки мусикаси турли соҳа олимлари (фольклоршунос, этнограф, адабиётшунос ва б.) томонидан тадқиқ этилган⁵. Бухоро худуди маҳаллий аҳолисининг мусиқий ижодиёти ўзбек мусикашунослигида диссертациялар даражасида махсус ўрганилмаган бўлсада, аммо унинг айрим аспекти қатор илмий ишларда ёритиб ўтилган. Бу жиҳатдан алоҳида эътиборли ва қимматли фикрларни санъатшунослик фанлари докторлари Ф.Кароматли, И.Ражабов, Т.Визго ва А.Назаровларнинг тадқиқотларида кўрамиз.

Мутахассислар Бухоро анъанавий мусикасининг келиб чиқиш негизларини аниқлашда ҳамда ўзига хос хусусиятларини англаб олишда бир

¹ Бухоро – Шарқ дурдонаси. – Т.: Шарқ. 1998. 134-б.

² Ражабов И. Мақомлар. – Т.: San’at. 2006. – 404 б.; Мақомлар масаласига доир. – Т.: Ўзадабий-нашр. 1963. 138 – 147- бб.; Ибрагимов О. Фергано-Ташкентские мақомы. – Т.: Media Land. 2006. 47 – 57 с.; Ражабов И. Мақом асослари. *Ўқув қўлланма* (Р.Юнусов таҳрири остида). – Т.: Мусика. 1992. – 117 б.; Рашидова Д. Нажмиддин Кавкабий Бухорий // Проблемы музыкальной культуры Узбекистана, Туркменистана и Таджикистана. – М. 1972.; Джумаев А. Наджм ад-Дин Кавкаби Бухари: поэт, музыкант, ученый XV – XVI вв. Жизнь и творчество (исследование и переводы). – Т.: Vaktria press.2016. – 320 с.

³ Хамидов Х. История духовной культуры Узбекистана: формирование и проблемы развития (на примере истории Узбекского традиционного песенного искусства). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Т., 1997. – 33-34 с.

⁴ Тўраев Ф.Ж. Бухоро муғаннийлари. – Т.: Фан. 2009. – 323 б.

⁵ Тўраев Ф.Ж. Бухоро муғаннийлари. – Т.: Фан. 2009. – 323 б.; Успенский В.А. Статьи, воспоминания, письма. (Сост.: И.А.Акбаров) – Т.: Изд.лит. и искусства. 1980. – 384 с.; Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми). – Т.: Фан. 2006. – 240 б.

катор манбаларни инобатга олиш зарурлигини қайд этадилар. Масалан, муסיқашунос олимлар А.Назаров ва Р.Юнусовларнинг фикрича, “Зардуштийлик (милоддан аввалги XV асрдан), будизм (Кушон подшолиги, милоддан аввалги I аср – милоднинг III асри) диний кўшиқчилиги билан, сосоний, кушан ва туркий (V – VII асрлар) сулолаларининг сарой муסיқачилиги анъаналари билан узвий боғлиқ бўлган Бухоро муסיқаси маҳаллий асосларда, бир томондан, ҳинд-эрон меросини, иккинчи томондан, туркий меросни ўзига сингдирди. Ўрта асрларда ана шундай бой ижодий негизда Бухоро кўпгина миллий (эрон, араб, тожик ва бошқалар) ҳамда маҳаллий (Фарғона, Тошкент, Хоразм ва ҳоказо) муסיқа услубларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди”¹.

Атоқли муסיқашунос олим Ф.Кароматли томонидан турли йил (1960, 1982)ларда Бухоро шаҳри ва вилоятига уюштирилган илмий экспедиция давомида вилоятнинг узок туман ва шаҳарларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳаётида кечаётган муסיқий жараёнлар, ҳамда бахшилар ижодида юзага келган турфа анъана ва муסיқий намуналар магнит тасмаларига ёзиб олинган². Экспедиция давомида магнит тасмаларига туширилган айрим кўшиқ намуналари Ф.Кароматли муаллифлигида нашр этирилган “Ўзбек халқи муסיқа мероси (XX асрда)” туркумида эълон қилинган³. Шунингдек, Файзулла Кароматлининг Бухоро ҳудуди бўйлаб қилган муסיқий-фольклор экспедициясининг натижалари ўларок олимнинг ўзбек муסיқасида мавжуд тўртта асосий маҳаллий (Фарғона-Тошкент, Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм ва б.) услубнинг бири – Бухоро-Самарқанд муסיқа услуби илмий идрок этилган⁴. Бу ерда Бухоро ва Самарқанд муסיқа анъаналари, бу ҳудудларнинг ҳам географик, ҳам кўпгина бадий анъаналари жиҳатидан яқинлиги нуқтаи назаридан бир услубга бирлаштирилиб берилганлиги аён бўлади. Жумладан, Бухоро-Самарқанд маҳаллий муסיқа услубининг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида икки тиллилик (ширу-шакар) анъанаси тилга олиниб, бунда ҳам халқ муסיқаси, ҳам касбий муסיқага доир кўплаб айтимлар ўзбек ва тожик тилларида куйланиши назарда тутилади⁵. Лекин бу каби таърифларда Бухоронинг ўзигагина хос, аммо муסיқашуносликда хануз ўрганилмаган “Созанда”, “Баҳри тавил”, “Чиллики”, “Чорчиллики”, “Забоний”, “Жавоний”, “Ёбоний”, “Майда ғазал”, “Мавриги” ва “Бухорча”лар алоҳида бир услубни ифодалаш таъкидланмай, балки “Бухоро-Самарқанд услуби” иборасида умумлаш-тирилиб берилган. Ҳолбуки, Бухоро муסיқа анъаналарини Самарқанд услубидан алоҳида ажратиб турувчи бошқа кўринишлари ҳам оз эмас. Аини пайтда Самарқанднинг ҳам ўзига хос муסיқий анъаналари мавжуд. Шу сингари омилларни инобатга оладиган бўлсак, бу ҳар иккала

¹ Назаров А., Юнусов Р. Муסיқа // Бухоро – Шарқ дурдонаси. – Т.: Шарқ. 1997. – 130 б.

² Санъатшунослик масалалари. – Т.: Сан’ат. 1998. – 135 б.

³ Кароматов Ф. Ўзбек халқи музиқа мероси. Йигирманчи асрда. II том – Т.: Фафур Ғулом нашриёти. 1985. – 207 б.

⁴ Кароматов Ф.М. О локальных стилях узбекской народной музыки // Музыка народов Азии и Африки / Сост. и редакция В.С.Виноградова. – М.: Сов.композитор. 1964. – 35-49 с.

⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 51-б.

худуднинг бетакрор мусиқа анъаналарини “Бухоро-Самарқанд” иборасида умумлаш-тирилиши унчалик ҳам асосли эмаслиги кўзга ташланади.

Устоз Ф.Кароматлининг шогирд ва издошлари томонидан ҳам Бухоро худуди қамровида мусиқий-фольклор экспедициялари амалга оширилган¹. Шундай изланишлар натижасида асосан халқ оғзаки мусиқа ижоди ва бахшичилик санъатига доир кўплаб қимматли намуналар йиғилган бўлиб, уларнинг айримлари ҳужжатлаштирилган ҳамда ноталарга “кўчирилган”².

Маълумки, Бухоро шаҳри ва вилоятининг асосий қисмини ўзбек ва тожик халқлари ташкил этади. Бу ҳол айна вақтда касбий мусиқа намуналарида ҳам ўзига хос инъикосини топган эди. Бухоронинг мумтоз мусиқа анъаналари асосан сарой мусиқа маданияти билан боғлиқ ҳолда юзага келганлиги эътирофланди.

Мусиқачиларнинг сарой ва бошқа “саҳна”ларда намоён бўлган санъатларини тасаввур этишимизда Бухоро мусаввирларининг китобий мўъжаз тасвир (миниатюра)лари катта аҳамиятга эга. Шу мавзуга бевосита ёки билвосита тегишли илмий тадқиқотлар асосида танбур, рубоб, чанг (арфа), уд, ғижжак, най каби чолғулар ва уларнинг турли кўшилма (ансамбль)лари хон саройларида, нафис мажлисларда ҳамда дўстона зиёфатларда қўлланганлигини кўрамыз³. Қайд этилган чолғулар мақом ижрочилигида муқим иштирок этганлигини, уд ва танбур эса етакчилик қилганлигини назарда тутсак, бу вазиятларда ҳам шу жанрга хос асарлар ижро этилганлигини англаш мумкин.

Абдурауф Фитрат, Исҳоқ Ражабов, Файзулла Кароматли каби обрўли олимларимизнинг мулоҳазаларидан маълум бўлишича, Ўн икки мақом Бухоро сарой маданиятида Шашмақом туркуми жорий бўлган вақтгача амалиётда қўлланиб келинган⁴.

Мақомшунос олим И.Ражабов ишончли далиллар асосида Шашмақомнинг XVIII асрда узил-кесил шаклланганлиги ҳақида илмий хулосага келган. Ҳозирги кунда кўпчилик мусиқашунослар шу фикрга кўшиладилар⁵.

Бухоро амирлари саройида эса мақомхонлик, ашулахонлик, чолғучилик каторида яна аёлларнинг созанда санъати ҳам шаклланган эди. Созанда санъатига оид қимматли маълумотлар Н.Нуржонов ва З.Тожиковаларнинг илмий ишларида қайд қилинган⁶

¹ Санъатшунослик масалалари. – Т.: Сан’ат. 1998. 229-234 бб.

² Беков О.А. Музыкальные традиции Бухарской области. (рукопись). – Т.: Санъатшунослик институти кутубхонаси. Инв.№ 780.

³ Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка. – Т.: изд-во лит. и искусства им. Гафура Гуляма, 1972. – 360 с.; Вызго Т.С. Музыкальные инструменты Средней Азии (исторические очерки). – М.: Музыка. 1980. – 190 с.; Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 1-қисм (методик тавсиялар) – Т.: ЎЗР ХТ ўқув методик маркази. 1994. – 62 б.

⁴ Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан. 1993. – 56 б.; Ражабов И. Мақомлар. – Т.: Сан’ат. 2006. – 404 б.; Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка. – Т.: изд-во лит. и искусства им. Гафура Гуляма, 1972. – 360 с.

⁵ Ражабов И. Мақомлар. – Т.: Сан’ат. 2006. 148 – 149-б.; Юнусов Р.Ю. Макомы и мугамы. – Т.: Фан, 1992.; Ибрагимов О. Мақом и космос. – Т.: Санъат, 2010.

⁶ Нурджанов Н. Театральная и музыкальная жизнь столицы государства саманидов (XIX-XX вв.). – Душанбе: Матбуот. 2001. – 292 с.; Таджикова З. О музыкальном искусстве бухарских женщин-созанда//

Бу мавзуни қаламга олган бухоролик олим ва санъаткорлар – О.Сафаров, О.Атоев ва Ф.Тўраевларнинг кузатувларидан маълум бўлишича, “Бухорча” (Бухороликлар орасида гоҳо “Бухорча занг” номи билан ҳам юритилади) – бу кўшиқ-рақс туркуми бўлиб, дойра, ноғора, қайроқ ва занг жўрлигида ижро этилган. Ҳамуаллифлар “Бухорча”ларда мақом санъати билан боғлиқлик жойлари борлигини, асарларнинг ички тузилишида ҳам мумтоз йўлларга хос қонуният ва тушунчалар акс этишини тўғри қайд этсаларда, бироқ бу намуналарни “халқ кўшиқ-рақс туркуми”, “халқ кўшиқ ва рақсларидан таркиб топган” каби ибораларда ифодалайдилар¹. Лекин моҳиятан қаралганда, бу туркум таркибидаги барча намуналар “кўшиқ” жанрига мос келавермайди, балки мураккаброқ (ашула, ялла ва б.) жанр хусусиятларига эга, куй, оҳанг асосларида эса мақомлар билан боғланишлар ҳам кузатилади.

Бухоро сарой мусиқаси ҳақида сўз юритилганда, маълум даражада “Мавриги” номи билан юритилаётган мусиқий туркумлар ҳам диққатни ўзига тортади. Олимларнинг фикрига кўра, “мавриги” сўзи Марказий Осиё халқлари полиэтник жиҳатларининг муштарак ҳосиласи, туркий ва эроний халқлар маданиятининг синтези бўлиб, бухоролик ижодкорлар ижрочилигида сайқал топган маҳаллий калоритга эга, фақат дойра жўрнавозлигида ижро этиладиган, композицион жиҳатдан яхлит ички тизимга эга бир бутун туркумдир².

Тожикистонлик санъатшунос Асқарали Ражабнинг аниқлашича, сосонийлар саройининг машҳур мусиқачиси Борбад етти қисмдан иборат “Хусравоний” (“Срот и Хусравник”), “Каркўи” (“Каркўкий”), “Уроманий” (“Ароманий”), “Лоскуий” (“Лоскавий”) сингари кўшиқ-рақслар туркумларининг наинки куй-оҳангини басталаган, балки кўшиқлар матнини ҳам ўзи тўқиган, уларни ўзи маҳорат билан ижро этган. Даврлар ўтиши билан булар халқ ижодий намуналарига айланиб борган, мақомлар шаклланишига таъсир кўрсатган, халқ ижрочилигида турли-туман шаклларда жилоланиб абадият топган”³.

Борбад ижодида туркумли мусиқа асарлари қарор топганлиги ҳақида ўзбек мусиқашуносларидан – Т.Ғофурбеков, О.Иброҳимов, А.Назаров, Р.Юнусов, А.Жумаев ва бошқа олимлар ўзларининг қимматли кузатувларини баён қилганлар⁴. “Борбад Мовароуннаҳрда жойлашган Марвлик эди, уни араблар Фахлбод, Фахлбоз, деб аташар эди... Куйлаш учун ва созларда

Сборник материалов II международного музыковедческого симпозиума. (Самарканд, X.1983.) – М.: Советский композитор. 1987. 74 – 82 с.

¹ Сафаров О., Атоев О., Тўраев Ф. Бухорча ва Мавриги тароналари. – Т.: Фан. 2005. 19 – 12-б.

² Сафаров О., Атоев О., Тўраев Ф. Бухорча ва Мавриги тароналари. – Т.: Фан. 2005. – 277 б.

³ Адаш И. Ҳикояҳо аз рузгори Борбад // Асқарали Ражабов. Сарнавишти хунёгар. – Душанбе.: Адиб. 1990. 176-с; Орёнура А. Рузгори Борбади ромишгар. – Душанбе: нашр. “Ирфон”, 1989. 59-65 с.

⁴ Гафурбеков Т. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. – Т.: Фан, 1987. – 107 с.; Назаров А.Ф. Книга песен Аль-Исфохани в аспекте межрегиональных музыкально-транскulturативных процессов. Дисс.канд.иск-я. – Т.: Биб-ка НИИ искусствознания, инв.№ 812. 1984.; Джумаев А. К вопросу (проблеме) эволюции эстетических учений о макамаде // Вопросы эстетики, истории и теории монодии. – Т. 1987.

ижро этиш санъатида тенги йўқ эди. Ажам (халқлари) мусиқа асарларининг аксариятини у яратган дейишади¹.

Олимларнинг юқорида келтирилган фикрларидан келиб чиқиб, Борбаднинг сосонийлар саройида кечган мусиқа фаолияти билан боғлиқ айрим анъаналар Бухоро саройига ҳам кўчганлигини тахмин қилиш мумкин. Ҳар ҳолда манбаларда Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) саройида хизмат қилган хушовоз ҳофиз Ҳасан Гаройли (вафоти 1900 й.) “Мавриги”ни меъёрига етказиб ижро этгани ҳақида хабарлар келтирилади².

Диссертациянинг **“Бухоро мумтоз мусиқа анъаналари”** номли иккинчи бобида мақом, созанда санъати ва мавригихонлик анъаналари ҳақида сўз юритилади.

Шашмақомнинг ўтмишда қарор топган мумтоз анъаналари орасида бу санъатни саройда ижро этилиши билан боғлиқ удуми катта қизиқиш уйғотади. Маълумки, ёзма манбаларда ўн икки мақом ўн икки буржга боғлиқ бўлгани ҳолда, “ҳар бир мақомнинг чалиниш вақти бир сутканинг 12 қисмига бўлиб кўрсатилади”³. Ўн икки мақомни ўн икки буржга (ёхуд ўн икки ойга) боғлиқ ижро этилишига ишорани Н.Кавкабий илмий рисоласида кўрамаиз⁴. Масалан, Роҳавий, Зангула, Бузург, Ҳусайний, Ушшоқ, Кучак, Рост, Ҳижоз, Ироқ, Буслик, Наво ва Исфаҳон мақомлари Ҳамал, Савр, Жавза, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут каби буржларга боғланган⁵.

Ўн икки мақомнинг коинот буржларига боғлиқ ижро этилиш анъанаси шу тизим асосида юзага келган Шашмақом туркумида маълум ўзгаришлар билан давом этган бўлиши тахмин қилинди. Масалан, мақомдон устозлар орасида Олти мақом ҳафтанинг олти иш кунига мувофиқ ҳолда тақсимланган бўлиб, бунда Бузрук мақоми шанба куни, Рост мақоми – якшанба, Наво – душанба, Дугоҳ – сешанба, Сегоҳ – чоршанба, Ироқ – пайшанба кунлари ижро этилган. Муборак жума куни эса амирликда дам олиш куни ҳисобланган.⁶

Шашмақом ичида мавжуд кичик-катта туркумларни яккахон ижрочилигида танбур етакчилик қилиши ва дойра чолғусида маълум усуллар бир тартибда ўзгармасдан чертилиши сарой мусиқасида юзага келган анъаналардан ҳисобланади⁷. Шунингдек, саройда урф бўлган мақом ансамблида, аллома Абдурауф Фитрат аниқлаган маълумотга кўра, иккита танбур, битта дутор, битта қўбз ёки сато, битта дойра ва иккита-учта ҳамнафас ҳофиз иштирок этган⁸.

Олти мақомнинг ҳар бири Мушкилот, яъни чолғу куй қисмларидан иборат бўлимдан бошланиши қатъий тартибланишган бўлиб, бунда бир

¹ Гофурбеков Т. Сайланма. – Т.: Мусиқа. 2009. 13-б.

² Сафаров О., Атоев О., Тўраев Ф. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари”. – Т.: Фан. 2005. 32-б.

³ Ражабов И. Мақомлар. – Т.: San’at. 2006. 135-б.

⁴ Кавкабий Н. Рисолаи мусиқи. – Душанбе: Дониш. 1985.

⁵ Кавкабий Нажмиддин. Рисолаи мусиқи. – Душанбе: Дониш. 1985. 35-б.

⁶ Бухоролик устоз-санъаткор Ўлмас Расулов билан бўлган суҳбатдан. 2009 йил, декабрь

⁷ Ражабов И. Мақомлар. – Т.: San’at. 2006. 151-б

⁸ Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан. 1993. – 56 б.

тартибли чолғу куйларининг ҳар бири ўз дойра усули (Тасниф, Гардун, Мухаммас, Сақил ва б.) асосида ривожланади.

Мушкилот қисмлари (куйлари) бир-бирига уланиб, қисмдан-қисмга караб мураккаблашиб борувчи усуллар асосида бетўхтов ижро этиларкан, тингловчини муҳим руҳий ҳолатга тайёрлайди. Бу ҳолатни янги даражада давом этиши учун эса Наср (ашула) бўлимига ҳам бетўхтов ўтилади.

Наср бўлимида ҳам қатъий тартиб йўналиши ҳукм суради. Ҳофизлар мантиқий кетма-кетликда Сарахбор, Талқин, Наср каби мақом шўъбаларини шогирдлар эса шўъбалар орасида жойлашган тароналарни “ўқийдилар”. Шашмақом шўъбалари, тароналари ва шаҳобчаларини айтишда Бухоро мусиқа услубига хос зуллисонан (икки тиллилик) анъанаси намоён бўлиб туради. Бунда аруз вазнларига мувофиқ форс-тожик ва туркий-ўзбек тилларида ижод қилинган (Рудакий, Румий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Лутфий, Саккокий, Навоий ва б.) шеърлар (кўпроқ ғазаллар) қўлланилиши кўзда тутилади.

Сарой ҳофизлари мақом ижрочилигида ўзига хос “гул ташлаш” усулини ҳам кашф этган эдилар. Бу усул айниқса Левича ҳофиз ижодида ёрқин намоён бўлган. “Гул ташлаш” усули (“гул партов” деб ҳам юритилади) бу асарнинг маълум бир жумла пардаларида ҳофиз томонидан (тингловчи учун) “кутилмаган ҳолда” мусиқий безак ишлатиш ёки асарнинг авж пардаларида овозни пастга ёки юқорига томон кескин ҳаракатлантириш йўсинидир. Шунингдек, “гул ташлаш” усулининг ўзига хос яна бир кўриниши ҳам бўлган. Бунда ҳофиз маълум жумла ва пардалар орасида нафас олиши лозим бўлган жараёнларни кутилмаган ҳолда ижровий безаклар асосида сайқаллайди.

Абдулазиз Маҳдум, Абдурахмонбек (XIX), Қори Каромати Дилкаш, Самадбек ҳофиз, Муллаҳофиз Восеъ, Ота Жалол, Ота Ғиёс, Мирзо Абдукарим Танбурий, Левича ҳофиз, Довидча, Уста Ширин (XIX-XX) ва бошқалар Бухоро мумтоз мақомларини такомиллаштириш устида тинмай ижодий меҳнат қилдилар¹.

Сарой маданий муҳитида шаклланган аёл санъаткор (созанда)лар шеърхонлик, мухаммасхонлик (шеърни оҳангга солиб айтиш) ва туркумли “Бухорча”ларни ижро этишлари билан машҳур бўлганлар².

“Бухорча”лар аёлларга хос базмларда мусиқий чолғусиз, фақатгина дойра жўрлигида ижро этилган. Бинобарин, созанда иштирок этган хос базмларда рақсона усулларга асосланган ўзгача айтимлар туркуми янграган. Уч бўлим (пайт)дан иборат туркумланиш асослари мақомлардаги туркумийликдан сезиларли фарқ қилади. Бунда, таркибий қисмларни ўзаро боғловчи етакчи омил сифатида умумий вазн (6/8) ўлчов бирлиги муҳим ўрин тутди. Айни вақтда эса дастлабки қисмда келган дойра усулининг кейинги қисмларда турлича вариант кўринишларида келиши ҳамда ижро

¹ Тўраев Ф. Бухоро муганнийлари. – Т.: Фан, 2009. 29 – 35-б.; Хаимов Ё. Левича ҳофиз. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 59-б.

² Сафаров О. “Бухорча” ва “Мавриги” туркуми // Гулистон. – Т., 1998. №3, 32-б.

суръатининг қисмдан-қисмга қараб мунтазам ўсиб бориши туркумдаги қисмларнинг хилма-хиллигини таъминлайди.

Биринчи пайт қисмларини туркумланишида парда ва куй оҳангларининг ҳам муҳим ўрни бор. Хусусан, туркумда асосан, табиий ладлар (эолий, дорий, фригий ва б.) кенг қўлланилиши кузатилади. Шунингдек, биринчи қисм (“Эй, бодапарастон”)да келган куй тузилмасининг туркум даражасида бир неча вариантларда ривожланиши ҳам боғловчи омиллардандир.

Биринчи пайт мазмунида кузатилган жараёнлар иккинчи пайт давомида янги жиҳатлар билан бойитилади. Тўй маросими ёки базмнинг энг қизиган палласида ижро этиладиган бир неча қисмлар раққосалар иштирокида ижро этилади. Жумладан, 6/8 такт ўлчови қаторига 5/8 да келган усул ҳам қўшилиб, шу тарзда қисмлараро ритмик формулалар нисбати ҳам кескин ўзгаради.

“Бухорча”нинг энг сўнги ва, айти пайтда, энг йирик бўлими ҳисобланган учинчи бўлими жами (“Қўш дойра усуллари”ни ҳам инобатга олганда) 21 қисмни ўз ичига олади. Бунда дастлабки уч қисм (“Яккахонлик”, “То боди сабо”, “Жононае”)да ашула жанрига хос жиҳатлар кузатилади. Бу ҳол ушбу намуналарнинг аруз вазнидаги шеърятга асосланишида, сархона, миёнхона ва авж каби ички шакл-тузилишларида ҳамда хонандаларнинг оҳиста куйлаш услубларида кузатилади.

“Бухорча” туркумларини яхлит ҳолдаги катта туркумга бирлаштирувчи омиллар қаторида барча мусикий ифода воситалари (парда, оҳанг, ритм) муҳим ўрин тутиши аниқланди. Жумладан, таҳлиллардан маълум бўлишича, пайтлараро ладлар муносабати биринчи пайт туркумида юзага келган пардалар тизгинига бўйсунди.

Шунингдек, туркумларнинг узвий боғланишида умумий оҳанглар тизими ҳам катта ўрин тутди. Зотан, туркумлардаги катта-кичик қисмларнинг қарийб барчаси биринчи пайт бошида келган “Эй, бодапарастон” куй тузилмасига боғланиши маълум бўлади. Шу боисдан бу тузилмани “Бухорча”нинг бош мавзуи сифатида эътирофлаш ҳам мумкин.

Амир саройида созандалар томонидан ижро этилган “Бухорча”ларга “Забоний” ва “Жавоний” каби ашулалар ҳам кирган. “Жавоний”нинг луғавий маъноси, “ёшлик” деб аталиб, бу туркум ашулалар асосан, амир саройида аёлларга хос базмларнинг қиз-жувонлар даврасида ижро этилганлиги аён бўлди. Бу давралар амирнинг қизлари, келинлари учун бевосита ташкил қилинган. “Забоний” (“забон” тожик. – “тил”) эса, ширу-шакар икки тиллик услубида ижро этилган туркумдир.

“Бухорча” туркуми аёллар базми, “Фотиҳа тўйи” каби маросимларда қўлланилган бўлса, эркакларнинг базмида “Мавриги”лар кенг ўрин эгаллаган. Ҳар бир тўю-томоша бошланишидан олдин, яъни хоҳ у аёллар, хоҳ эркаклар базми бўлсин, авваламбор бироз мақомхонлик қилиниб сўнгра, “Бухорча”га ёки “Мавриги”хонликка ўтилган. Эркаклар базми эса анъанавий тарзда асосан очик майдонларда, ерига қум ёйилган, устига қалин бўйра ва даврихона(кичик кўрпача)лар ташлаб ташкил қилинган давраларда ҳам

ўтказилаверган. Мавригихонлар ана шундай давраларда уч ёки тўрт киши (устоз ва ёнида шогирдлари) бўлиб, турли тўй-маросимларни завқли ўтишига хизмат қилганлар.

“Мавриги”да ҳам икки тиллилик (яъни, ўзбек ва тожик шеърляти)ни қўллаш анъанаси намоён бўлади. Бунда тожик ва ўзбек тилларидаги ҳам халқ, ҳам мумтоз шеърлят қўлланилади.

